«SIRG'ALI DEXQON BOZORI» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиш баёни

2022 йил 15 сентябр **Тошкент шаҳар**
соат 12 -°°

Овоз берувчи акциялар сони: 650000

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Сергели тумани Янги Сергели кўчаси, Сергели-6 мавзесида, жамиятнинг маъмурий биносида 2022 йил 15 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 621068 овозга эга 3 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95.55 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хукукига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:
Д.И.Ганиев – "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК, "Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти" бошлиғи ўринбосари
Т.К.Камолов - "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК бош мутахассис
Б.Б.Таиров – «Сирғали деҳқон бозори» АЖ директори в.б.
Реестр бўйича акциядорлар сони 240 та. 650000 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жами акциядор 3 та акциядор, 621068 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 95.55 % ни ташкил этди.
Тошкент шахар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКнинг 621023 дона (95.54%) оддий акцияларнинг ишончли вакили этиб, "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК "Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти" бошлиғи ўринбосари Д.И.Ганиев юборилган.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун кворум 95.55 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Э.Б.Кучаров номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Д.И.Ганиев йиғилишга саноқ комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хақида айтиб, саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилган А.А.Тимофеева, Э.Б.Кучаров ва Ш.Юсупходжаевларини овозга қўйди.
Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ва кенгаш таркибини қайтадан сайлаш;*
2. *Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирд атасдиқлаш;*
3. *Жамиятнинг "Умумийй иғилиш ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янг итаҳрирда тасдиқлаш;*
4. *Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;*
5. *Жамиятнинг "ижроия органи ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар кпиритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш*

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни мухокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзга чиқиб, "Муниципал активларни бошқариш маркази"ДУК 2022 йил 22 августда 01-3107-сонли хат билан мурожаат этиб, жамиятдаги Марказ номидан сайланган айрим кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтишлиги муносабати билан кенгаш аъзолари таркибига ўзгартириш киритилиши тўғрисидаги марказнинг хати билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б..Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги 101-сонли фармони талабидан келиб чиқиб, жамиятда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ижроия орган тўғрисида"ги, "Аудит қўмитаси тўғрисида"ги, "Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида"ги ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, ушбу ҳақида жамият бошқарув органлари қарорлари чиқариш лозимлигини билдирди.

Шунингдек ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг сайтида кўрсатилган намуналар асосида ишлаб чиқилганлиги ҳамда ижросини йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлаб, жамият Устави янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги Устав лойиҳаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги 101-сонли фармони талабидан келиб чиқиб, жамиятда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ижроия орган тўғрисида"ги, "Аудит қўмитаси тўғрисида"ги, "Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида"ги ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, ушбу ҳақида жамият бошқарув органлари қарорлари чиқариш лозимлигини таъкидлаб, жамият "Умумий йиғилиш ҳақида"ги низом янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги "Умумий йиғилиш ҳақида"ги низом лойихаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги 101-сонли фармони талабидан келиб чиқиб, жамиятда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ижроия орган тўғрисида"ги, "Аудит қўмитаси тўғрисида"ги, "Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида"ги ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, ушбу ҳақида жамият бошқарув органлари қарорлари чиқариш лозимлигини таъкидлаб, жамият "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги тахрирдаги "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги лойиҳаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8

апрелдаги 101-сонли фармони талабидан келиб чиқиб, жамиятда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия орган тўғрисида”ги, “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги, “Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида”ги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, ушбу ҳақида жамият бошқарув органлари қарорлари чиқариш лозимлигини таъкидлаб, жамият “Ижроия орган тўғрисида”ги янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳрирдаги “Ижроия орган тўғрисида”ги лойихаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис мухокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Ш.Юсупходжаева ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

1 масала	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
А.А.Раззоқов	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
Д.И.Ганиев	Ёқлаган 621068- 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
Т.С.Иброхимов	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
С.Ю.Каримов	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
Н.Ч.Фармонов	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
2 масала	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
3 масала	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
4 масала	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %
5 масала	Ёқлаган 621068 - 100 %	Қарши 0-0 %	Бетараф 0-0 %

Қарор қабул қилади.

1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:
   - 1.1 Раззоқов Ахад Анварович — 621068 - та овоз
   - 1.2 Ганиев Дилмурод Иркинович — 621068 - та овоз
   - 1.3 Иброхимов Тўлқин Собитович — 621068 - та овоз
   - 1.4 Каримов Сардор Юлдашбаевич — 621068 - та овоз
   - 1.5 Фармонов Нодир Чинасович — 621068 - та овоз
2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин (ёқлаган 621068 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);
3. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Умумий йиғилиш ҳақида”ги низоми тасдиқлансин (ёқлаган 621068 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);
4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги тасдиқлансин (ёқлаган 621068 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);
5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Ижроия орган тўғрисида”ги тасдиқлансин (ёқлаган 621068 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);

Баённома имзоланган сана: «23» сентябр 2022 йил.

Мажлис раиси **Д.И.Ганиев**

Мажлис котиби **Э.Б.Кучаров**